Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 114 (6226).

14 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл мебель фабрикаси коллективи болалар муассасалари учун мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. 1978 йилда кичкинтойлар учун 7 миллион сўмликдан ортиқ мебеллар тайёрланади. Суратда: илғор бригада бошлиғи Мамажон Насриддинов. Унинг коллективи ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга ҳаракат қилмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КОЛХОЗ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

ҲАР бир хўжаликнинг салмоғи, область экономикасида тутган ўрни, унинг молия—хўжалик фаолияти, иқтисодий қуввати билан белгиланади. План ва социалистик мажбуриятларни муттасил ошириб бажариш, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишлик учун эса энг аввало ердан, техникадан оқилона фойдалана билиш, хўжаликни комплекс ривожлантириб, барча тармоқларнинг рентабелли соҳага айланишига эришиш керак.

Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши, албатта, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ўрта бўғин кадрларининг уддабурролиги, ташкилотчилик саньати, маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Улар ўз меҳнат сарф қилиб, кўп ва арзон маҳсулот етиштиришини, мўмай даромад олишишини таъмин этишлари лозим. Кўпчиликнинг меҳнати билан яратилаётган бойлик, даромадни тўғри тақсимлаш, жой жойига сарфланишига эришиш, социалистик мулкнинг талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик талаб этилади. Бу ишни хўжалик раҳбарларининг ўзигагина ташлаб қўйиш нотўғри бўлур эди, албатта.

Халқ мулки, хўжалик мулкини кўз қорачиғидек асраш — ҳамманинг, колхоздаги каттадан-кичикнинг иши, муқаддас бурчидир. Лекин бир касб эгаси борки, бу борада унинг зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Гап бу ерда тафтиш комиссияси ва унинг раиси устида бормоқда. Тафтиш комиссияси раиси удли-шудли, кўпчилик ўртасида обрўэътиборга эга бўлган, тажрибали, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан, қатъиятли, синчков бўлиши лозим. У ўз ишини колхоз фаолияти билан мувофиқлаштирилган ҳолда аниқ режа асосида олиб бориши керак. Тафтиш комиссияси хўжалик фаолиятини, амалга оширилаётган тадбирларнинг самарасини вақти-вақти билан текшириб туриши, аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, лозим бўлганда бу ҳақда дарҳол хўжалик раҳбарларини огоҳлантириб қўйиши керак.

Бу жиҳатдан Бекобод районидаги Ленин номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» сингари колхозлар тафтиш комиссияси тажрибаси диққатга сазовордир.

Ленин номли колхоз тафтиш комиссиясига тажрибали деҳқон Исроил Дадажонов раҳбарлик қилмоқда. Комиссия составида етти киши бор. Улар олдиндан тузиб қўйилган план асосида иш олиб бормоқдалар. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичи, олинаётган даромад ва сарф-харажатлар қай тарзда эканлигини улар аниқ биладилар. Шунинг учун ҳам бу хўжаликда колхоз уставининг бузилиш ҳолларига асло йўл қўйилмайди. Бундай мисолларни бошқа хўжаликларнинг тафтиш комиссияси фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Афсуски, кўпгина колхозларда ревизия комиссияси иши ҳозирги талабларга тўла жавоб бермайди. Айрим хўжаликларда ревизия комиссияси раислиги лавозимида ҳеч қандай ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмаган кишилар ишлаб келмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда улар хўжалик раҳбарининг соясига айланиб қолишган, унинг имо-ишораси билан иш қиладилар. Чизиб берган чизиғидан чиқмайдилар. У йилдан бу йилга, яъни ҳисобот йиғилиши олдидангина тафтиш ўтказадилар. Албатта, бу текшириш ҳам чуқур бўлмаганди, хўжакўрсинга ўтказиладилар. Тафтиш комиссиясининг фаолиятсизлиги туфайли моддий-техника ресурслари инвентаризацияси яхши назорат қилинмайди, аниқланган камоматларнинг ўрни тўлдирилмасдан қолиб кетаверади. Уставни, тартибни бузганлар жавобгарликдан осонликча қутулиб кетаверадилар. Ўз-ўзидан аёнки, бундай хўжаликда молиявий ишлар зайфлашади, касса интизоми бузилади. Бу эса, колхозчилар ўртасида норозиликларга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолларга йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам колхозларда тафтиш комиссиясининг обрўсини кўтариш, уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш лозим. Комиссия раислигига ўз сўзининг, ўз гапининг ҳаққонийлигини исбот қилиб бера оладиган, хўжаликнинг пасту-баландини яхши биладиган кишилар тайинланганда кутилган мақсадга эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда комиссия раиси ва унинг аъзолари хўжалик фаолиятининг бирон соҳасини тафтиш қилишга жазм этар эканлар, бунинг учун маънавий ҳуқуққа эга бўлишлари керак. Акс ҳолда тафтиш комиссияси ишида унум бўлмайди. Текшириш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлмаган комиссияни менсимай қўядилар, ёки танбеҳларини, кўрсатган камчиликлари ва маслаҳатларини эътиборга олмайдилар. Колхоз раҳбарлари бунга катта эътибор беришлари керак. Комиссия иши, раисининг фаолияти билан вақти-вақти билан қизиқиб туришлари, уларнинг таклифлари, истакларини диққат билан ўрганиб, қулоқ солишлари, қўллаб-қувватлашлари, ўрни келганда рағбатлантириб туришлари ишга катта фойда келтиради. Шундай қилинса, комиссия масъулияти ошади, у ўзи бажараётган ишнинг нақадар фойдали ва муҳим эканлигини ҳис қилади, ишончи, эътиқоди мустаҳкамланади, янада синчковлик ва сезгирлик билан пухта ишлашга ҳаракат қилади.

Хўжаликнинг иқтисодий-молиявий фаолиятини назорат қилиб бориш — шунчаки мавсумий бўлиб қолмаслиги лозим. Ярим йиллик, йиллик ревизиялардан ташқари жорий ревизиялар ҳам ўтказиб туриш, сарф-харажатлар қандай бўлаяпти, товар—моддий бойликлар, ёқилғи—мойлаш материаллари қандай сақланмоқда. Бу ҳақда комиссия аъзолари ва унинг раислари доимо қайғуришлари лозим. Ҳар бир текшириш акт билан расмийлаштирилиши, колхоз правленеси томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли тадбир белгланиши керак. Текшириш юзаки бўлиб қолмаслиги учун бу ишга пухта тайёргарлик кўриш зарур. Афсуски, айрим колхоз ревизия комиссиялари бунга риоя қилмайдилар. Улар майда-чуйда камчиликлар, маблағнинг кассадаги ҳаракати дебитор ва кредит қарзларни санаб ўтадилар, холос. Сабабки, бундай хўжаликларда комиссия фаолияти билан кам қизиқадилар. Унинг ролини камситадилар. Ўз-ўзидан маълумки, қаерда назорат бўш, ҳисоб-китоб ишлари пухта бўлмаса, ўша ерда тартибсизлик ҳукм суради.

Хўжаликларда тафтиш комиссиялари ролини ошириш учун комиссия аъзоларини ўқитиш, уларга амалий ёрдам бериш, ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлигида тармоқ семинарлар ташкил этиш, бундай семинарларда район милиция бўлими, милиция, суд, прокуратура органлари ходимлари суҳбатларини уюштириш лозим. Илғор комиссия раислари фаолиятини ўрганиб, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Областдан колхозга келиб турадиган ревизорлар амалий ва малакали ёрдам кўрсатишлар. Ревизия комиссиялари ўз ишларини жонлантириш учун халқ назоратчилари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борсалар дуруст бўлади.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида деҳқонларимиз олдида ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифалар турипти. Улар табиат қийинчиликлари билан мардонавор курашиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, ҳар бир соҳада янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Моддий бойликларни кўпайтириш, иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшиланишида тафтиш комиссияларининг роли янада юқори бўлмоғи лозим.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети КПСС XXV съезди қарорлари асосида Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда айтиладики, бирлашма коллективи партия ташкилоти раҳбарлигида сўнгги йилларда янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича маълум ишларни амалга оширди.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта ускуналаш бўйича чоралар комплекси кўрилди. Жумладан, пландаги 95 та ўрнига 101 та янги технологик асбоб-ускуна ўрнатилди, пландаги 40 та ўрнига 46 та механизациялашган поток линиялари реконструкция ёки модернизация қилинди. 156 та рационализаторлик таклифини жорий қилиш ҳисобига 230 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди, меҳнатни илмий уюштириш планларини қўлланиш туфайли 210 минг сўм фойда кўрилди, шартли 141 киши бошқа ишларни бажаришга ўтказилди.

Коллектив ўнинчи беш йилликнинг йиллари давомида КПСС XXV съезди директиваларини бажариш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ва барча тадбирларни мунтазам равишда амалга оширмоқда. Пландагидан ташқари 2142 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 9,4 процентни, меҳнат унумдорлиги бўйича 7,9 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши 96 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳам бир мунча яхшиланди. Янги моделдаги 167 та пойафзалнинг 33 тасига Сифат белгиси берилди, сифат белгиси олган маҳсулот пландаги 3740 минг сўм ўрнига 6170 минг сўмлик тайёрланди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 97,8 процентга етди.

Шу билан бирга қарорда кўрсатиб ўтилганидек партия ташкилотининг фаолияти ва пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга раҳбарлик қилиш даражаси партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми талабларига ҳамон тўла жавоб бермаяпти.

Бирлашма раҳбарлиги, партия комитети ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳақида лозим даражада ғамхўрлик қилмаяпти. Бунинг оқибатида қўл кучи билан бажарладиган иш ҳажми бирлашмада 45 процентни ташкил этиб турибди. Айрим цехлар ва потокларда ишлаб чиқариш қувватлари етарли фойдаланилмаяпти.

Коллектив ўртасида тарбиявий ишлар лозим даражада олиб борилмаяпти. Ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг қўшимча вақтисосларни эгаллашлари учун қулай шароитлар етарли яратиб берилмаган. Бундай камчиликлар оқибатида ишчи-кучи қўнимсизлиги камаймаяпти.

Область партия комитети қарорида бирлашма раҳбарлиги ва партия комитети зиммасига ушбу қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, учун барча чораларни кўриш вазифаси юклатилди. КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида бирлашма коллективининг энг муҳим вазифаларидан бири ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, 1978 йил ва умуман беш йиллик давлат плани ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Қарорда 1978 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 100 процентга боришини, давлат Сифат белгиси билан чиқувчи маҳсулотнинг солиштирма миқдори 1978 йилда 20 процент ва ўнинчи беш йиллик охирига бориб 30 процентга етишини, беш йиллик планнинг 1980 йил 7 ноябригача бажарилишини таъминлаш юзасидан бирлашма маъмурияти ва партия ташкилоти ишлаб чиққан тадбирлар маъқулланди.

Қарорда бирлашма партия комитети ва маъмурияти зиммасига кадрлар билан ишлашни тўбдан яхшилаш вазифаси юклатилди. Бунинг учун аввало ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкаларини юксак малакали мутахассислар, ишлаб чиқаришни яхши ташкилотчилари билан мустаҳкамлаш, меҳнаткашларга нормал ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитлар яратиб бериш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозимлиги айтилади. Шунингдек топширилган иш участкаси учун инженер-техник ходимлар, цехлар ва бўлимлар раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, мутахассисларда ўзаро талабчанлик, ҳамкорлик ўз иши натижасига танқидий муносабатда бўлиш ҳиссиётини тарбиялаш, меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишда фаол қатнашаётган мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчилари ва ишчилар тарбиячилари бўлган мастерлар ролини муттасил ошириб бориш даркор. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, ёш ишчилар қатъият билан касб ўрганишлари, фабрика маркаси шарафи учун курашишлари, меҳнат ва технология интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашда иштирок этишлари учун ҳамма чораларни кўриш лозим. Йигитлар ва қизларни тарбиялашда мураббийлик ҳаракатидан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Бирлашма партия комитети зиммасига фонддан фойдаланиш даражасини ошириш саноат ишлаб чиқариши ҳажмини асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ортишини таъминлаш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши устидан муттасил назорат олиб бориш, коммунистларнинг топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш вазифаси юклатилди.

Қарорда бирлашма партия, касаба союз ва комсомол комитетларидан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг синалган усули ҳисобланган социалистик мусобақани ривожлантириш бўйича ишларни муттасил такомиллаштириш талаб этилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Ўртоқ М. Х. Қурбоновнинг бирлашмага юксак сифатли моделдаги пойафзалар ишлаб чиқариш учун қатор янги механизациялашган поток линиялари, ҳар йили Тошкент областидаги пойафзал фабрикалари учун 400 малакали ишчи кадрлар тайёрлаб берувчи ҳамда ўқув ишлаб чиқариш базаси бўлган ҳунар-техника билим юрти қурилиши учун, уй-жой қурилиши учун маблағ ажратиш ва бирлашма ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича зарур бўлган барча асбоб-ускуналар етказилиб берилиши ҳақидаги маълумоти инобатга олинди. Шунингдек, «Главташкентстрой» бошлиғи Ўртоқ Т. Н. Набиевнинг бирлашманинг ҳар йили 500 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ён корпусини қуриш ва фойдаланишга топшириш планининг сўзсиз бажарилиши учун барча чоралар кўрилажаги ҳақидаги маълумоти ҳам ҳисобга олинди.

Қарорда Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети ва бирлашма партия комитети заммасига ушбу қарорни муҳокама қилиш ва барча техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича зарур чораларни кўриш, шунингдек коллектив ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш вазифаси юклатилди. Фрунзе район партия комитети зиммасига ён ишлаб чиқариш корпуси қурилишининг боришини назорат остига олиш ва юксак малакали 100 бинокор ишчи ажратиш, ушбу объектни муддатида ишга тушириш бўйича район штаби тузиш таклиф этилди.

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Швеция қироли Карл XVI Густав ва королича Сильвия Ўзбекистон билан танишиб бўлдилар. Улар СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқи ва меҳмон бўлиб турибдилар.

Олий мартабали меҳмонлар 13 июнда кун бўйи Самарқанд билан танишдилар. Улар тарихий ва архитектура ёдгорликларини, янги уй-жой қурилиши районларини бориб кўрдилар, Бутуниттифоқ қорақўйчилик илмий-тадқиқот институтида, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанддаги филиалида бўлдилар.

Швеция қироли ва короличаси ҳамда уларнинг ҳамроҳлари шу куни Тошкентдан Ленинградга жўнаб кетдилар. Швеция, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР-нинг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, бошқа расмий кишилар, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

Картошкадан мўл ҳосил

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригадаси деҳқонлари картошка кавлашни уюшқоқлик билан олиб боряптирлар. Моҳир механизатор Деҳқон Умаров ўз агрегатини юқори унум билан ишлатмоқда. Зоҳира Айдишева, Ханифа Қодирова, Замира Утелбоева, Ҳадича Абдубакирова каби колхозчилар кавланган картошкани пешма-пеш йиғиштириб олиб, автомашиналарга юкламоқдалар. Шофёр Насриддин Фахриддинов эса маҳсулотни ўз вақтида давлат қабул пунктларига етказиб бермоқда.

— Бу йил 25 гектар майдондаги эртаки картошкадан планда белгиланган 12 тонна ўрнига 25 тоннадан хирмон кўтариш учун курашмоқдамиз, — дейди бригада бошлиғи А. Эгамназаров. — Дастлабки натижалар бу юксак маррани шараф билан эгаллашимиздан дарак бериб турипти.

Ҳақиқатан ҳам ҳосилдорлик қувончли бўлмоқда. Дастлабки кунинг ўзидаёқ бир ярим гектар майдондан давлат қабул пунктига 35 тоннадан зиёд сифатли картошка етказиб берилди. Бригада аъзолари етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар.

С. МИРЗАЛИЕВ.

МАКЕЕВКА БАЙРОҒИДА ОРДЕН

МАКЕЕВКА (Донецк области), 12 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда Макеевка шаҳрига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширишга бағишлаб, шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар советининг меҳнаткашлар вакиллари билан биргаликда тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов нутқ сўзлади. Мажлис аҳли уни самимий кутиб олди.

В. В. Кузнецов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий қутловини гулдурос қарсаклар остида шаҳар меҳнаткашларига топширди.

Озод ижодий меҳнат тантанасининг рамзи бўлмиш орденнинг Макеевка шаҳрига топширилиши шонли даврларда ўтмоқда, деди нотиқ. Мамлакатимиз, бутун совет халқи коммунистик партия раҳбарлигида астойдил меҳнат қилиб, КПСС XXV съездининг қарорларини амалга оширмоқда. Замонамизнинг улуғвор ҳужжати — янги Совет Конституцияси ижтимоий ва давлат практикасига, бутун социалистик воқелигимизга самарали таъсир ўтказмоқда.

Макеевканинг таржимаи ҳолида унинг революцион ёшлиги қаҳрамонона саҳифалар билан битилган. Уруш Донецк диёрини қуритиб кетган пўртана бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Тикланиш» деган китобида тиклаш ишларини ўз кўзи билан кўриб, унда актив қатнашиб, таъсирли, ҳаққоний, ишонарли тарзда ўша унутилмас кунлар тўғрисида ҳикоя қилиб берган. Леонид Ильич хотиралари шу залда ҳозир бўлган кўпгина кишиларнинг қалбидан чуқур жой олди. Китобда гап Донбассда эмас, балки унинг қўшниси — Запорожьеда, Днепропетровск областида бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида борсада, уруш вайрон этган жойларни тиклаётиб бу ерда дуч келинган ҳолат кўп жиҳатдан бошқа жойлардагига ўхшаб кетади.

Донбасс меҳнаткашлари, шу жумладан Макеевка бутун мамлакат, халқ билан бирга, жуда кўп куч-ғайрат, қаҳрамонлик ва фидокорлик эвазига Донецк индустриал районини қисқа бир муддат ичида тикладилар. Шаҳар КПСС XXIII, XXIV ва XXV съездлари қарорларини амалга ошириш натижасида айниқса гуркираб ривожланмоқда.

Нотиқ мамлакат ҳаётидаги социал иқтисодий жараёнларни, саноат, қишлоқ хўжалиги тараққиётини таърифлагач, рўй бераётган ўзгаришлар бу ерда, социалистик макеевкада ҳам яққол кўрилмоқда, деди.

В. В. Кузнецов КПСС билан Совет давлати меҳнаткашлар фаровонлигини янада яхшилаш, планетада тинчликни таъминлаш учун олиб борилаётган кураш масалаларига тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз олдида ички, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида турган проблемалар хилма-хил ва мураккабдир. Коммунистик партия совет халқининг бахт-саодати учун, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, адолат ва тараққиёт тантанаси учун бонд ва буён ҳам куч-қувватини аямай ишлайверади.

В. В. Кузнецов СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг давомли қарсаклари остида мукофотни шаҳар байроғига тақиб қўйди.

Мажлисда сўзга чиққан нотиқлар макеевкаликларнинг жанговар ва меҳнат соҳасидаги хизматларига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирдилар. Улар орденли шаҳарнинг меҳнаткашлари халқ фаровонлиги тўғрисида партиянинг доимий ғамхўрликларига жавобан КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, баш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада зўр-ғайрат ва ташаббус билан авж олдирамиз, социалистик ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ватанпарварлик ишлари ва зафарлари билан муносиб ҳисса қўшамиз, деб таъкидладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

В. В. Кузнецов Донецк область партия комитетида область ва шаҳар раҳбарлари билан суҳбатлашди. КПСС XXV съезди қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидаги сафари чоғида берган кўрсатмалари, маслаҳатлари ва тавсияларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга асосий эътиборни қаратди.

Макеевкада В. В. Кузнецов В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. У Киров номидаги Макеевка металлургия заводини бориб кўрди.

Ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан механизаторнинг маҳоратига боғлиқдир. «Политотдел» колхозининг Ли Александр бошлиқ пахтачилик бригадаси механизатори Эргаш Аҳмедов бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилаётир. У шу кунларда культивация нормасини ортиғи билан бажармоқда.

Е. Ботиров фотоси.

ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ [тонна ҳисобида]

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — дағал хашак тайёрлаш топшириғи, учинчи устун — шу кунгача тайёрлангани, тўртинчи устун—топшириққа нисбатан процент ҳисобида, бешинчи устун — шу жумладан сенаж бостириш, топшириққа нисбатан процент ҳисобида, олтинчи устун — ўт уни тайёрлаш топшириғи, еттинчи устун — шу кунгача тайёрлангани, саккизинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида

Калинин	45000	29946	66,0	105,0	1700	573	34,0
Бўка	53000	25261	43,0	100,0	1700	57	3,0
Тошкент	40000	17233	43,0	72,0	900	165	18,0
Оҳангарон	100000	37708	38,0	118,0	3000	384	13,0
Янгийўл	51000	19193	38,0	85,0	1400	144	10,0
Оржоникидзе	43000	16077	37,0	86,0	2100	600	28,0
Оққўрғон	50000	18259	36,0	92,0	1300	210	16,0
Ўрта Чирчиқ	67000	23682	35,0	72,0	1600	76	5,0
Коммунистик	100000	32548	32,0	78,0	2000	353	18,0
Пискент	44000	14243	32,0	82,0	1300	209	16,0
Чиноз	78000	24429	31,3	80,0	1500	210	14,0
Ғалаба	79000	23041	29,0	68,0	2300	350	15,0
Бекобод	65000	18197	28,0	79,0	1400	124	9,0
Бўстонлиқ	80000	18049	22,0	84,0	1200	163	13,6
Область бўйича	900000	317866	35,3	86,0	21000	3618	17,7



Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам кескин ривожланиб бормоқда. Бунга озуқа базасини мустаҳкамлаш туфайли эришилмоқда.

Бу йил ҳам колхоз деҳқонлари ем-хашак экинлари парваришни намунали ўтказишмоқда. Хўжаликда мавжуд 220 гектар беданинг ҳар гектаридан камида 200—250 центнердан ҳосил ўриб олиш учун курашилмоқда. Суратларда: Пичан ўриш ва транспортерларга жойлаш пайти.

А. Тўраев фотолари.





Тошкент метрополитенининг биринчи навбати ишга тушганига етти ой ўтгандан кейин «Ташметрострой» трести коллективи яна бир улкан ғалабани қўлга киритди — Константин Виноградов бошлиқ бригада коллективи Ҳамид Олимжон ва Пушкин майдони номли станциялар оралиғидаги чап тоннелда проходка ишларини муддатидан бир ой илгари бажаришди. Суратларда: К. Виноградов бошлиқ илғор бригада коллективи. Тупроқни шахтадан олиб чиқиш пайти (пастда). Шахтада проходка ишлари. Шахтанинг умумий кўриниши.

Ш. Иброҳимов фотолари. (ЎзТАГ).

СИР БЎЙИ — НУР БЎЙИ

— Муҳтарам меҳмонлар, Моҳинбону юртидан хушхабар келди. Маликаий фармонбардор Сирдарёни бойлаб, Мирзачўлга сув чиқармоқчи бўлибдилар. Бу ишни амалга оширган киши билан қариндош бўлиш истагини билдирибдилар. Менга фотиҳа беришингизни сўрайман.

Даврадагилар фотиҳа берадилар...

Хисров ўз сипоҳилари билан йўлга чиқади. Сўнг чўлда кўринади.

Фарҳод дарё бўйида. Ҳарсангларни дарёга ағдармоқда. Уни кўришга Ширин келади. Иккиси бир-бирини севиб қолади.

— Ҳорманг, паҳлавон, кўлингиз илойим дард кўрмасин, — дейди Ширин.

— Айтганингиз бўлсин, сизнинг шамсу меҳрингиз билан зеро бу кенг чўлга сув чиқаролсак, унда бирга гуллар териб ҳаёт кечирардик.

— Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Мен сизни кўпдан биламан. Элимизнинг паҳлавонисиз. Паҳлавонлар мард бўлади, муҳаббати пок бўлади. Лекин кўнглим не учундир ғаш...

— Ғаш тортмасин маликам. Ғашлик ёмон.

— Дарёни тўсиш учун якин йироқдан одамлар келмоқда. Қайси бир элдан Хусрав деган шоҳ ҳам келибди. Чўлга чодир қуриб, дарёга йўл олибди.

— Асло ташвиш тортманг. Мана, дарёнинг ярмини тўсиб қўйдим. Ҳадемай биз турган жойдан бу чўлга сув шарқираб оқади. Унинг яшил далаларида қўл ушлашиб ҳаёт қурамиз.

— Илоё айтганингиз бўлсин. Мен энди қалъага қайтай. Сизнинг ишларингизни аммамга айтай.

Ширин кетади. Фарҳод харсанг кўчириб уни дарёга ташлай бошлайди.

Қир тепасида Моҳинбону қалъаси. Қош қорайганда уч отлиқ чопиб келади. Дарвозабон эшикни очади. Чопарлар Моҳинбону ҳузурига келиб:

— Маликаий буэруквор, биз Хусрав шоҳ ҳузуридан келдик. Шоҳ ҳазратлари дарёни тўсиб саҳрога сув йўлладилар. Сизни ва ўз шартингизга биноан ваъда этилган жиянингиз Ширинбонунни ихтиёрларига кутиб турибдилар.

Ҳамма қалъа тепасига шошилади.

Олисдан ойдин кечада чўл бағри ярқирай кўринади.

— Сув... сув..., — дейди севиниб Моҳинбону.

— Дарё тўсилибди, — дейди қалъа одамлари.

Ширин юзу-кўзини қўлларини билан беркитиб, хонасига югуради.

— Майли, азиз меҳмонлар, биз шартимизга итоат этадиган элатларданмиз. Бориб, шоҳингизга айтинг, ўша сув чиқарилган дарё бўйида тўй тараддудини кўраберсинлар.

Хусрав чопарлари изларига шамолдай елиб-югурадилар. Шоҳ Ёсумон кампирни ёнига чақириб, унга тайинлайди:

— Зут Фарҳод ёнига бор. Унга манаву чўлни кўрсат. Хусрав шоҳ чўлга сендан олдин сув чиқарди, дегин. Ширин рози бўлиб мен томонга келаётганини айт.

Хусрав Ёсумонга танга — халта ташлайди.

Кампир Фарҳод ёнига етиб келиб, бошини тошларга уриб, сочини юлиб, фарёд чека бошлайди. Фарҳод қўлидаги тошни дарёга ирғитиб, кампирдан сўрайди:

— Ҳа, ойижон, нима бўлди?

— Э, ойинг айлансин болам, мен айтмайин, сен эшитмагин болам.

— Айтинг, нима гап ўзи?

Кампир йиғламсираб, қўлини чўлга кўтаради. Чўл ярқираб кўринади.

— У — Сирдарё, болам. Хусрав деган қайси бир шоҳ сендан олдин дарёни тўсибди. Ширинқизни хотин қилиб олаётган эмиш. Мен бу шумхабарни эшитиб сенёққа югурдим. Сен ахир шу ерлик йигитсан. Қиз сеники, ер сеники бўлиши керак-да ахир. Эҳ, болам пешонанг шўр экан...

— Эй, фалак, бунча берахмсан.

Фарҳод чўлга қараб, ялтираб турган дарё сувини кўриб, оҳ уради, сўнг шиддат билан тоққа ўзини уради, кўчирган катта харсангни ўз устига ташлайди. Кампир ғайри табиий қаҳ-қаҳ уриб кўздан ғойиб бўлади.

Ширин келинлик сепида.

— Мени дарё ёқалаб, Хусрав чодирига олиб борингилар, — дейди Ширин.

У, Фарҳод тоғ қазиган дарё бўйига келади, тўсилай-тўсилай деб турган дарё ёнидан ўтади. Катта харсанг остида Фарҳод танаси ётибди. Ширин ўзини тутолмайди. Йиғлаб, ўрнидан жилолмай, Фарҳод ўз устига ташлаган харсангга суяниб, ўтириб қолади. Шу вақт Шопур югуриб етиб келади.

— Маликам, қаерга келин бўлиб боряпсиз. Қайтинг, алданибсиз. Ялтираб кўринган нарса — дарё эмас. Бўйра экан, ҳа, сароб экан!

Беш-олтита чопарлар ялтираб кўринган томонга зут етиб бориб, яна изларига ҳовлиқиб тез қайтиб келадилар.

— Алданибсиз, маликам. У ялтироқ нарса чиндан ҳам бўйра экан...

Шопур ва суворилар Фарҳод жасадини харсанг остидан олиб, қирғоққа қўядилар. Ширин Фарҳодга энгашади ва унинг кўксига бошини қўйиб, ўз кўксига ханжар уради.

Моҳинбону етиб келади. Соҳилдан, чўл бағридан йиғи кўтарилади.

* * *

Чўл бағри ёз чилласида йилтираб кўринади. Йилтираб кўринган сароб чўлга сув чиқариш йўлида умрлари хазон бўлган Фарҳод ва Ширининг абадий ўтли қуюнга айланган оҳу-зорлари дейишади Бекобод, Новнинг қадимий қисса айтувчилари.

Эл орасида ана шундай афсона юради. Бекобод шаҳарига ва унга қўшни Нов (Тожикистон) районига келсангиз Фарҳод ва Ширин афсонасига боғлиқ бўлган жойларни сизга кўрсатадилар. Фарҳод ГЭС тўғонидан янги чиқазилган канал остидан сой ўтган. Уни Ширин сойи дейдилар. Ширинсой ёқалаб юқорига кўтарилсангиз, ўнгда, Бекободнинг жануб томонида баланд тепалик кўринади. Бу тепалик Моҳинбону қалъаси бўлган, дейишади. Бу ерда қазув-текширув ишлари олиб борилмоқда. Фарҳод ГЭС тўғони қурилган жойни эл Фарҳод шалдироғи ва унинг тепасидаги тоғни Фарҳод тоғи дейди. Қадимий ривоятларга кўра бу ердаги шалдироқни Фарҳод кўчирган ва дарёга ташлаган харсанглар пайдо этган эмиш.

Ширинсой тепасидан Оқсой сойи оқиб ўтади. Бу оқсойдан озми-кўпми тоғ суви ва булоқ сувлари оқиб туради. Бу сойнинг ўнг томонида ер ости сув йўли — кориз ковланган. Унинг ичидан Фарҳод тешаси топилган дейишади. Ҳар йили қишда тозаланади. Сойнинг чап томонида сув тоннели ковланган. Бу сув йўли Совет даврида қурилган. Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбоев шу ер ости сув йўлини қазишда иштирок этган. Унинг зангори бекасам тўн кийиб, кетмон чопаётган сурати шу ерда олинган.

Мана Фарҳод ва Ширин ҳақидаги биринчи афсона-кисса тамом бўлди. Қиссада сув фожиаси, ўтмиш фожиаси ҳикоя қилинади. У аслида муҳаббат фожиаси, ҳаёт фожиаси эди. Эл оғзида шундай эртак юради.

НАЗАРМАТ.

(Боши 13 июнь сонида).

ТАШАББУСЛАР ҚАНОТИДА

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг бўлинмаларида ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бинокорлар, монтажчилар зиммаларидаги топшириқларни адо этиш йўлида қурилиш пешқадамларининг ижодий меҳнатлари туфайли юзага келган ибратли ватанпарварлик ташаббусларига қўшилишмоқда. Айни кунларда Бош бошқармада янгийўлликларнинг Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» ватанпарварлик ташаббуси бўйича меҳнат қилаётган қурувчилар сони олти ярим мингдан зиёддир. Фақат 1976 йилда «Главташкентстрой»да ана шу ташаббусни кенг авж олдирилиши туфайли қолоқ участкалар, бригадалар, бинокорларнинг тўртдан бир қисми илғорлар сафига ўтишга муваффақ бўлишди.

Бош бошқарманинг энг яхши бинокорлари республикамиз меҳнат пешқадамларининг бир беш йиллиқда икки беш йиллик планни бажариш ташаббусига қўшилдилар. Ҳозирга келиб ташаббусга қўшилган коллективлар сони ўн еттитага етди. Бу бригадаларнинг аъзолари беш йиллик бошидан буён 5,8 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга оширишди.

Ташаббус ижодкорлари ичида Пардозлаш трестининг С. Мирхолдаров, Н. Тополидис, А. Пишняк, «Жилстрой» трестининг Б. Шукуров, В. Демидов, 159-қурилиш трестининг В. Петров, Н. Миллер, Р. Гайнулин бошлиқ бригадаларининг меҳнати унумли бўлмоқда. Улар 1980 йил ҳисобига ишлашмоқда.

Уралдик қурувчи ва монтажчиларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади!» деб номланган шиори остида бошлаган ташаббуси тобора кенг қулоч ёймоқда. Ташаббусга қўшилган бригадалар ўз сафидаги икки ёки ундан кўп мутахассиси бошқа қолоқ, камқувват бригадага ўтказиб, уларни ҳам илғорлар сафига қўшилиши учун шароит яратди. Аммо коллектив аъзолари кам бўлсада бригадада аввалги аҳвидан-ларни беш йиллик планни бажариш учун қабул қилган мажбуриятларидан воз кечмайди. Ташаббусга пойтахтимизнинг беш нафар пешқадам қурувчиси бошлиқ коллективлар биринчиларидан бўлиб қўшилишди. «Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг Анатолий Жўраев, 153-қурилиш трести 39-қурилиш бошқармасининг уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Раҳим Зиёев, «Средазтрансстрой» трести 209-қурилиш бошқармасининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Эшмурод Йўлдошев, Тошкент 1-уйсозлик комбинати 2-монтаж бошқармасининг Владимир Брунченко, «Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармасининг Толиб Толибов бошлиқ бригадалари шулар жумласидандир. Пешқадамларнинг ташаббуси Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди ва пойтахтдаги барча қурилиш ташкилотларида бу ватанпарварлик ташаббусини кенг ёйишга тавсия этилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг свердловскликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарори эълон қилингач, барча район партия комитетларида, қурилиш трестларида ташаббусни кенг ёйишга бағишланган бригадирларнинг слётлари ўтказилди.

Ҳозир «Главташкентстрой»да уч ярим минг бинокорни бирлаштирган 153 та бригада «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади!» ватанпарварлик ташаббусига қўшилишган. Янгиликка айниқса, 4-трестда катта эътибор бериляпти. Бу ерда мавжуд 46 бригаданинг 24 таси свердловскликлар ташаббусига қўшилди. Натижада 32 нафар қурувчи бошқа бригадаларда ишлашга ўтказилди. «Висотстрой»да 17 бригада, 6-трестда 12 бригада свердловскликлар ташаббуси асосида меҳнат қиляпти.

Бош бошқарма бўйича свердловскликлар ташаббуси асосида ишлашга ўтиш натижасида 295 нафар ишчини кам қувватли бригадаларга ўтказиб, зарбдор объектларни тезроқ битказиш учун сафарбар этиш кўзда тутилмоқда.

— Ҳозирги кунларда бинокорлик материаллари саноати корхоналарида ҳам свердловскликлар ташаббусини жорий этиш бўйича маълум ишлар олиб борилмоқда,— дейди «Главташкентстрой» меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи С. Городилов.— Саноат корхоналари бошқармасида олтита, Тошкент уйсозлик комбинатининг йирик панелли уйсозлик заводида ўн битта бригада шу ташаббус бўйича иш олиб бораётганлиги туфайли йигирма нафарга яқин ишчини бошқа коллективларга ўтказиш имкони туғилмоқда.

«Главташкенстрой» бўлинмаларида ватанпарварлик ташаббусларига кенг йўл берилиши, ишлаб чиқаришга янги методлар, техника янгиликларини кўплаб жорий этилиши коллектив эришаётган зафарларда муҳим омил бўлмоқда.

Н. АБДИЕВ.

СОН БИЛАН ЭМАС МАҲОРАТ БИЛАН

ТАШАББУСКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ё Ш И Ш Ч И Г А — МУРАББИЙ МАРРАСИ

Партия XXV съезди арафасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тўқув фабрикасининг донгдор тўқувчиси Анна Сергеевна Верзилина «Ёш ишчига — мураббий марраси!» — деган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан ва унинг бу қимматли ташаббуси Тошкент область партия комитети томонидан маъқулланган эди.

Анна Сергеевна 85-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг икки битирувчисини ўз оталигига олиб, уларни илғорлар сафига қўшишга ваъда берди. Моҳир тўқувчи ўз сўзининг устидан чиқди. Шогирдлари Антоника Молодова ва Ольга Фасхутдиноваларни илғорлар сафига қўшди. Бугунги кунда мураббий ишчи бошқа бошловчи тўқувчиларга ўз касбининг сир-асрорлари, илғор иш усулларини сидқидилдан ўргатмоқда. Нина Филонова ҳам яқиндагина Анна Сергеевнага шогирд тушганди. Ҳозир бу ёш тўқувчи мустақил ишга ўтиб, 30 та тўқув станогини моҳирлик билан бошқариб, ойлик план-топшириқларини мунтазам равишда ошириб адо этмоқда.

А. С. Верзилинанинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ва мураббийлик фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Моҳир тўқувчи Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ҳамда бирқанча медаллар кавалери. Яқинда эса ЎзССР Енгил саноат Министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Республика комитети А. Верзилинага «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» деган фахрли ном берди.

Иккинчи тўқув фабрикасининг пешқадам тўқувчиси Жўраева, кўпстанокчи тўқувчилар А. С. Верзилина, В. И. Солдатова, Н. В. Ершова, ёш тўқувчи, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Дилбар Қулматова, йигирувчилардан Л. С. Герасимова, В. Кастерина, Ленин ордени кавалери М. Турсунхўжаева ва бошқалар мураббийлик ҳаракатининг олдинги сафида бормоқдалар.

Комбинатнинг мингдан ортиқ илғор ишчилари СССР Конституциясининг бир йиллигини беш йилликнинг 3-4 йили шахсий топшириғини бажариш билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тўқимачилар мураббийлик ҳаракатини авж олдира бориб, беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун филокорона меҳнат қилмоқдалар.

Б. САИДАЛИЕВ.

ШАХСИЙ ИЖОДИЙ ПЛАН АСОСИДА

ПРОПАГАНДИСТ олдига қўйилган мураккаб ва шарафли вазифани амалга оширишда шахсий ижодий план асосида иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу планлар ҳар бир тингловчининг сиёсий билимини ошириш, ана шу билимларни ишлаб чиқариш фаолияти корхона ҳаётига бевосита тадбиқ этишнинг ўзига хос кўзгусидир. Ҳозир областимизда партия сиёсий маорифи пропагандистларининг 45 процентдан кўпроғи ана шундай план тузиб, уни амалга оширишга эришмоқда.

Шахсан менга ижодий план машғулатларда таълим ва тарбиявий ишни пухта ташкил қилиш, назарий билим ҳамда методик маҳоратни оширишда катта ёрдам беряпти.

Мен ўқув йили давомида тингловчиларнинг иқтисодий жиҳатдан пухта асосланган муқобил план ва шахсий социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқишида кўмаклашдим. Эндиликда мен машғулот ўтказаётган мактабнинг тингловчилари шу план ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фаол қатнашмоқдалар.

Масалан М. Шоюсупов бошлиқ бригада комбинатда биринчилардан бўлиб «ўнлар ташаббусига» қўшилди. У бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга сўз берган эди, ваъдасининг устидан чиқди. Бригада аъзолари эндиликда СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар яна бир йиллик планни адо этишга аҳд қилдилар. Шунингдек тингловчилардан — слесарь Э. Музаффаров, механик Э. Эшматов бир неча рационализаторлик таклифи билан чиқдилар.

Шуниси қувончлики, эндиликда тингловчилардан ўндан ортиқ киши сиёсий ахборотчи ва агитаторлик, олти киши эса микрорайонларда сиёсий ташкилотчилик қилмоқда.

Ижодий планимда қайд қилинган режалар ана шундай амалга ошаётганидан беҳад хурсандман. Менимча, пропагандист ишнинг самараси худди шундай амалий натижа билан белгиланса керак.

А. САЛИМОВ,

Ангрен керамика комбинатининг пропагандисти.

СТАДИОНДА КОНЦЕРТ

ҚИШЛОҚ аҳли стадионга тўпланди. Улар бу ерга тошкентлик санъат усталарининг томошаларини кўриш учун келишди. Муқимий номли ўзбек давлат музикали драма театрининг санъаткорлари Сойип Хўжаев, Рауф Болтаев, Юлдуз Исматова, Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова, Шуҳрат Расулев ва бошқаларнинг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди.

Свердлов номли колхоз стадионида бўлиб ўтган бу концерт Калинин район меҳнаткашларига жуда манзур бўлди.

ҚИШЛОҚЛАРГА ШАҲАР ЧИРОЙИ

ЎРТАОВУЛ посёлкасининг ҳуси-жамолин кун сайин очилмоқда. Бу ерда бир қатор қурилишлар қўлдан чиқарилди, кўчалар асфальтланди, водопровод трубалари ётқизилмоқда, хонадонларга «зангори олов» кириб бормоқда.

1176 ўринли янги мактаб биноси йил бошида фойдаланишга топширилган эди. Посёлкада 600 ўринга мўлжалланган маданият уйи, 140 ўринли типовой касалхона қад кўтаряпти.

Ҳозирги кунда шаҳар чиройини очаётган бу посёлка меҳнат аҳлига магазин, ошхона, алоқа бўлими, болалар боғчалари, маиший хизмат уйи, кутубхона, ўқув ишлаб чиқариш комбинати ва бошқа маданий-маиший объектлар хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Учқун» галантерея фирмасининг илғор ишчиси Люда Шокаримова ҳозирги кунларда 1979 йилнинг сўнгги ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

А. Тўраев фотоси.

ОДАТ. У ҚАЙСИ

МУЛОҲАЗА ВА МУНОЗАРА

ҲАЁТИМИЗ гўзал, турмушимиз фаровон. Буни биз ҳар қадамда кўриб, ҳис қилиб юрибмиз. Кексалар суҳбатига шерик бўлсангиз, уларнинг партияга, давлатга содда ва самимий қалб сўзлари билан миннатдорчилик айтганларини эшитасиз, бундай фаровон турмуш, тўкин-сочинлик ҳали тарихда бўлмаганини таъкидлашади.

Дарҳақиқат, совет кишилари яратаётган беқиёс моддий бойликлар туфайли турмушимизда тўкин-сочинлик. Бироқ мана шу фаровон ҳаётда ҳануз айрим эскилик сарқитлари ҳукм сурмоқда, тўқчилик окибатида ҳеч қаерда ёзилмаган айрим «одатлар», «таомиллар» келиб чиқяпти. Бу эса кўпчиликнинг ғашини келтиради, лекин унга қарши курашиш ўрнига кўр-кўрона эргашиш кўпроқ рўй беряпти. Бир куни икки келинчакнинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалиниб қолди.

— Ойим чиройли материал берган эдилар. — дейди улардан бири, — бир хилда қилиб халат билан лозим тикдирдим. Биринчи ювишимдаёқ халат ситилиб кетди, хижолат бўлиб ойимга айтдим.

— Ҳа, қизим, уни Носир акангизнинг хотинига атаб олгандим. Мен айтган қизга уйланмагани учун бермагандим — дедилар ойим. Носир акам бош ўғиллари, уйланганларига 15 йил бўлган. Менинг ўртоғим кенжа, тўртинчи ўғиллари. Орадаги келинлар ҳам дидларига тўғри келмагани учун бу материални бермабдилар. Арзимаган матони шунча вақт сақлаганларини қаранг-а...

— Ойиларимиз бир хил чиқиб қолишди-ку, — жавоб қилди унга ёнидаги иккинчи келинчак, — мана бу атлас кўйлагимнинг рахини кўряпсизми. Неча марта дазмолладим, ҳеч кетказолмаяпман. Сув тегизай десам, рангининг айнашидан қўрқаман. Ўзи жуда чиройли қурмагур. Бу рахнинг эса йигирма йиллик тарихи бор экан. Ойим тўйимизнинг учинчи куни атласни сандиқларининг энг қача бўлади, дейишади. Битта тўйга неча сўм пул сарф бўлади?

Мен негадир камайтириброқ айтдим:

— Ўрта ҳисобда уч минг сўм.

— Ростданми? Оддий ишчилар қаёқдан олади шунча пулни?

Ҳамма бало шунда-да. Ана шу фақат маош билан кун кечирадиган оддий меҳнаткаш одамлар, таомил деб, бебилиски пул топаётган «бойваччалар» ихтиро қилаётган «одатлар»га етаман деб силласи қурияпти, ҳамма ишни расво қилишяпти...

Бу одатларни санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки ҳаммамиз биламиз, ҳар куни кўриб турибмиз. Фақат шуни айтиш кифояки, пул асосий роль ўйнайдиган ўша одатларнинг ярмидан кўпи ортиқча, бемаъни ва бачкана. Масалан, қизи туғилгандан бошлаб унга моллатта-путта йиғиш нимага керак? Ҳали бир сўм топиш меҳнатини татиб кўрмаган куёв учун саккиз минг сўмлик «Жигули» совға қилиш қайси рисолага сиғади? Эътибор қилинг, бирови беш-ўн сўмлаб йиғанини бошқа нарсага сарф қилиб қўйишдан қўрқиб 15—20 йиллаб латта йиғяпти, иккинчиси пулни ёрдан супириб олгандек куёвига енгил машина совға қилмоқда. Қизиғи шундаки, биринчиси иккинчисига етиш учун ҳаракатда...

«Литературная газета»да «Одамлар ва буюмлар» деган мавзуда узоқ мунозара бўлган эди. Шу мунозарада бир токарь қизнинг эълон қилинган мақоласи ёдимдан чиқмайди. Володя билан бир заводда ишлаймиз, севишиб, турмуш қуришга аҳд қилдик, — деб ёзган эди у. — Тўйимиз ресторанда бўлди. Роса қизиди. Ичкилик мўл бўлди. Бундай разм солиб қарасам, даврада ўтиргандларнинг ярмидан кўпини танимайман. Володядан сўрасам, у ҳам кўпларни танимади. Қўшни залда бошқа тўй ҳам бор экан. Баъзилар адашиб, бизнинг даврага қўшилиб кетибди. Эрим ҳам, мен ҳам танимайдиган одамлар бизнинг соғлигимиз учун ваъз айтиб, қадаҳ кўтаришди. Тўйимиз 950 сўмга тушди. Бир йил ўтибдики, ҳали қарздан қутулолмаймиз. Шунча дабдабали тўйнинг нима кераги бор эди..?

Дарҳақиқат, ресторанда эмас, уйда ҳам тўй кечасининг шинам, тўкин-сочин ўтиши учун минг сўм етиб ортади. Ҳатто ортиқча ҳам. Лекин бизда, аниқроғи бизнинг «одатда»

Собит Қурбонов бошлиқ бригада деҳқонлари маккажўхори парваришини авж олдириб юбордилар. Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг бу маккажўхорикорлик бригадасида айни кунларда дала маликасига сув таралмоқда. Суратларда: бригада бошлиғи С. Қурбонов ва сувчи Қ. Қамбаровлар маккажўхори экилган майдонларда.

И. Тўлибоев фотолари.

КОЛХОЗ РЕЗЕРВЛАРИ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози областимиздагина эмас, республикада, ҳатто иттифоқда ҳам машҳурдир. Колхоз эришаётган ҳар бир ютуқда ажойиб ташкилотчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳромони Маҳмуд Исматовнинг роли катта. У мана 26 йилдирки, шу хўжалик раҳбари.

Колхоз тузилган дастлабки йилларда ҳар гектар ердан бор йўғи 5—10 центнердан пахта ҳосили олинарди. Энди эса ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетди. Бундай юксак маррага етиш учун жуда кўп қийинчиликлари енгишга тўғри келди.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида хўжаликнинг тараққиёт йўли ҳақида, мана шу колхозда тўпланган бой тажрибалар ҳамда пахтачиликни юксалтириш резервлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Резервларни ишга солиб» деган китобча нашр этилди.

«Коммунизм» колхози, маълумки, вилтга чидамли «Тошкент» навли уруғларни экиб синаб кўрган эди. Селекционер олим Содиқ Мираҳмедов билан ҳамкорликда бу ерда олиб борилган масъулиятли иш қандай самара келтиргани ҳозир ҳаммага равшан.

«Бу воқеа 1968 йилда бўлган эди. Шу йилнинг 27 август куни,— деб ҳикоя қилади раис,— биз бир группа хўжалик раҳбарлари билан Содиқ Мираҳмедов тадқиқот олиб бораётган участкага бордик. Катта участкага 108—Ф, «Тошкент» навлари ёнма-ён экилган. Пайкалларни оралаб бу экинларга назар ташладик. Буни қаранг, 108—Ф пахта экилган карталарда ғўза тупларининг 90—95 проценти вилтдан зararланганлиги учун қуриб қолибди. Қўшни картадаги янги «Тошкент» нави барқ уриб ўсмоқда. Кўзларимизга ишонмай қолдик... Янги навнинг бирон тупи ҳам касалликка чалинмаган эди».

Пахтачиликдаги муваффақиятга фақат янги навларни экиш туфайлигина эришилди, дейиш хато бўлур эди. Тажрибакор деҳқонлар ерни экишга тайёрлаш, чигитни бир текис ундириб олиш, ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчатни сақлаб қолиш, бу кўчатларни серҳосил қилиб ўстириш учун ғўза парвариши соҳасида бир қатор комплекс тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Хўжаликда ҳар қарич ер ҳисобда. Ҳосилдорликни оширишга колхоз агротехника совети амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу ёрдам нимадан иборат эканлигини раис муфассал таърифлаб берган. Донгдор пахтакорлар Ислом Усмонов, Раҳим Жалолов, Мираҳмад Юсупов ва бошқаларнинг ютуқлари сирларига тўхталган. Партия ташкилотининг секретари Раҳим Эшонхўжаев бошлиқ коммунистларнинг ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида кўрсатаётган филокорликлари ютуқларга гаров бўлмоқда.

Хўжаликда пахтачилик агротехникасини такомиллаштириш масалалари билан тобора жиддий шуғулланилмоқда. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда, пахтани эрта етиштириш, ҳосилни барвақт йиғиштириб олишга қаратилган тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Ўртоқ М. Исматов область пахтакорлар советининг раиси. Унинг «Илғорлар минбари» сериясида чиқарилган бу китобида (уни журналист Н. Рихсиев ёзиб олган) баён этилган қимматли тажрибалар айниқса пахтакорлар учун жиддий синов бўлган бу йилги мураккаб шароитда барча хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбар кадрлари учун қўл келиши мумкин.

С. МУСАЕВ.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

ҒЎЗАНИ КОМПЛЕКС ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўрта Осиё республикаларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини қишлоқ хўжалик зараркунандалари, касалликлар ва бегона ўтдан ҳимоя қилишнинг жуда катта илмий базаси яратилган. Бу ерда йиғирмага яқин илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари ана шу проблема билан шуғулланадилар. Олимларнинг ҳамкорликда олиб борган меҳнатлари натижасида ўсимликни ҳимоя қилишнинг бир бутун системаси ишлаб чиқилди. Бу системанинг моҳияти шундаки, унда агротехника кимёвий ва биологик тадбирлар асосида ишлар олиб борилади. Бу тадбирларни амалга ошириш жараёнида атроф муҳитга зиён етказилмайди. Бунда зараркунандалар ва энтомофаглар миқдори, уларнинг у ёки бу далаларда ўзаро алоқадорлиги зararли ҳамда фойдали кушандаларнинг қисқа ёки узоқ муддатли кўпайиши ҳақидаги тахминлар ҳисобга олинади.

Масалан, уруғлик чигитни фентиурам препарати билан комплекс дорилаш яхши натижа бермоқда. Бу препарат илдиз чириш касаллиги, гаммозга қарши, кузги тунлам ва бошқа ҳашаротга қарши курашда яхши натижа бермоқда. Ўтган йили ярим миллион гектар майдон ана шу хилдаги препарат билан дориланди. Афсуски, ҳозирча бу дорининг ўзи камёблиги, ҳамда махсус машиналар йўқлиги туфайли уни кенг қўлланиш имконияти бўлмаяпти. Мўл ҳосил учун курашда биологик лабораториялларнинг фойдаси катта бўлаётир. Бундай лабораториялар сони пахтачилик зоналарида ҳозирнинг ўзидаёқ 100 дан ошиб кетди. Бу лабораториялар ёрдамида ғўза зараркунандаларига қарши кушанда ҳашаротлар ёрдамида кураш олиб борилмоқда. Биологик усулда зараркунандаларга қарши кураш ҳажми ўсиб бораётир. Агар 1973 йилда 300 гектар ғўза майдонига кушанда ҳашарот трихограммалар қўйилган бўлса, ўтган йили эса 700 минг гектар майдонга трихограмма қўйилди.

Келажакда энтомофогларни мавсумий колонизация қилиш йўли билан комплекс қўллаш программаси ишлаб чиқилмоқда. Ана шунда ғўзанинг бир неча асосий зараркунандаларига қарши бир йўла кураш олиб бориш мумкин бўлади. Масалан, Тошкент областидаги, Янгийўл районидаги Калинин номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда зараркунандаларга қарши заҳарли химикатлар қўлланилмасдан биологик йўл билан кураш бўйича икки йилдан буён тажриба олиб борилди ва яхши натижага эришилмоқда. Тажриба бу усулнинг юксак самара беришини кўрсатди.

Наманган областида ҳам ўсимликни ҳимоя қилишнинг бир бутун системаси кенг жорий қилинганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу область далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларинигина эмас, энтомофогларнинг ҳам ривожланиши ва тарқалиши доимий назорат қилиб борилади. Зарур деб топилган участкалардагина зараркунандаларни қириб ташлаш тадбирлари амалга оширилади. Кучли таъсир қилувчи заҳарли химикатлар кам зарар келтирадиганлари билан алмаштирилган. Биологик кураш ҳажми кенгайиб бормоқда. Ўтган икки йил мобайнида область, район курсларида 3400 га яқин катта энтимологлар участка энтимологлари кўзатувчилар ва механизаторлар зараркунандаларга қарши курашнинг янги технологияси билан таништирилиб, ўқитилди. Наманган областида бир неча йилдан буён 16 та биологик лаборатория ишлаб турмоқда, бу ерда энтомофогларни кўпайтириш, сақлаш ва қўлланиш билан шуғулланадилар. Шунинг учун ҳам ўтган мавсумда зараркунандалар ва касалликларга қарши олиб борилган ишларнинг тўртдан бир қисми ана шу метод ёрдамида амалга оширилди. Натижада ўтган йили областда кимёвий усулда ҳашаротларга қарши курашиладиган майдонлар ҳажмини 74 минг гектардан ошиққа қисқартириш имкони туғилди. Ўтган икки йил мобайнида бунинг натижасида 5 миллион сўм маблағ тежалди. Ўтган йили ҳар гектардан олинган ҳосил 34,2 центнерни ташкил этди. Бу йил область колхозлари ва совхозлари янада катта майдонларда ғўза зараркунандаларига қарши курашда ана шу илғор усулни қўлламоқдалар.

Тожикистонда ҳам ҳашаротга қарши биологик кураш соҳасида яхши тажриба тўпланган. Яван район қўриқ хўжаликлари ва Вахш водийсида бу борада олиб борилаётган ишларга Тожикистон ССР Фанлар академияси академиги М. Н. Нарзиқулов бошлиқ зоология ва паразитология институти олимлари раҳбарлик қилмоқдалар. Бу йил яна тўртдан бир қисм майдонда қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг бир бутун системаси амалга оширилади.

Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам ўсимликни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг шу методлари жорий этилмоқда. Бироқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари бу соҳадаги тараққиётни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Биринчи навбатда бу ўсимликни ҳимоя қилишнинг биологик методига таллуқлидир.

Зарур масштабдаги майдонларда биологик кураш методларини қўлланиш учун энтомофологларни кўпайтириш ва биопрепаратларни ишлаб чиқиш учун яхши базага эга бўлиш керак. Бу соҳада Ўзбекистон ССР мутахассислари ва олимлари танлаган йўл анча муваффақиятлидир. Улар мавжуд лабораторияларни йириклаштириш ва янги хўжаликлараро лабораториялар ташкил этиш бу лабораторияларни механизациялаштирилган линиялар билан таъминлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Йирик биопрепаратлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган фабрикалар қуришни тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ҳосилни биологик усулда ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган пахта ҳосилдорлиги 18,8 центнердан 38 центнерга кўтарилди. Пахтанинг ялпи ҳосили эса 7743 тоннадан 16 минг тоннага етди.

Совхоз пахтакорлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё институти олимларининг тажрибаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди ва ҳозир бу тажриба Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент областларида кенг ейилмоқда.

Ўсимликларни агротехник ва биологик метод ёрдамида ҳимоя қилиш кимёвий воситаларнинг моҳиятини сира камайтирмайди. Аксинча бир бутун системада кимёвий воситаларга етакчи ўрин бериб келинмоқда. Бироқ кимёвий препаратлардан фойдаланишга тобора малакали муносабатда бўлиш талаб этилаётир. Чиндан ҳам зарур деб топилган майдонлардагина кимёвий воситалардан фойдаланиш керак, кимёвий усулда ишлов бериш вақтида технология қоидаларининг оз бўлсада бузилишига қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Кейинги йилларда олимларимиз зararли объектларга қарши курашда кимёвий препаратларнинг бир томондан самарадорлигини ошириш учун, иккинчи томондан эса бу препаратларнинг атроф муҳитга зararли таъсирини камайтириш учун анчагина ишларни амалга оширдилар. Масалан, ишлаб чиқаришга инсектицид ва акарицидларнинг янги юқори самара берадиган зararли таъсири эса кам бўладиган турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тавсия этилган. Фазолон, бензофосфат, гардон, полидофен, акрекс, кельтан, тиодан, неорон ва бошқа препаратлар шулар жумласига киради. Эндиликда гап бундай препаратларни саноат йўли билан ишлаб чиқаришни тезроқ жорий этишда қолди.

Деҳқонларимиз янги, янада такомиллаштирилган техникани кутмоқдалар. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, ўсимликларни химоя қилиш Ўрта Осиё институтлари олимлари, масалан, дориланган уруғлик чигитни экишдан олдин намлайдиган яхши машина яратдилар. Бу машина ана шу иш жараёнида унумдорликни сезиларли даражада оширади. Кимёвий препаратлар билан ишлашда техника ҳавфсизлиги барча талабларга жавоб беради. Бу машинани тезроқ ишлаб чиқарилишини ташкил этиш керак.

Ҳосилни ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган кўпгина илмий тавсиялар жуда суст ишлаб чиқаришга жуда суст жорий этилаётганлигини тан олиш керак. Масалан, ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимлари томонидан ғўза зараркунандалари ривожланишининг эрта муддатларида уларга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган истиқболли усул ҳали тарқалганича йўқ. Уларнинг изланишлари шуни кўрсатдики, тупроққа донадорлаштирилган рогор ёки базудин аралаштирилган аммофос солинса, экиш вақтида ёки ниҳоллар кўзга ташлангандан сўнг заҳарли химикатларни қўлланмаса ҳам бўлади. Бунда шуни айтиш керакки, ғўза зараркунандалари ўз ривожининг дастлабки пайтларидаёқ қирилиб кетади, пахта майдонлари чеккаларидаги тут дарахтлари барги ҳам яхши сақланади.

Ғўза ва бошқа экинлар зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг интенсив системаси далаларимизнинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашда олға томон қўйилган муҳим қадамдир.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий тадқиқот институти директори.

(«Сельская жизнь», 6 июнь).

Суратда: Тошкент электр машинасозлик заводининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Мунаввар Ҳамроқулова. У шахсий беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган. Айни кунларда смена топшириқларини мунтазам 130—140 процентга етказиб бажармоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚОНУНДА ЁЗИЛГАН?

— Шулар (моллар) ҳаммаси ахир бир куни керак бўладида, — дейди.

Демак, шундай дабдабали латта-путталарга эҳтиёж сезадиган, шунга талабгор ёшлар, айниқса қизлар ҳам йўқ эмас. Улар ота-она ҳисобига шоҳона, енгил ҳаёт кечиришни қонуний бир нарса деб тушунишади. Афсуски, ёшлик қалб туйғуларини, одамнинг чинакам бахти ҳисобланган мана шу туйғуларни молпараст ота-она қўлига топшириб қўяётган қизлар, ҳатто йигитлар ҳам бор. Улар гўё ота-онани ўта ҳурмат қиладиган, уларнинг чизган чизиғидан чиқмайдиган оқила ҳисоблайдилар ўзларини. Аслидачи?

Курсдош ўртоғим ўзидан бир курс пастда ўқийдиган қизни яхши кўрарди. Икки йил дурустроқ гапиролмай, кўз ўриштириб юрди. Қизнинг ҳам кўнгли бор эди. Ниҳоят, университетни битириш арафасида гаплашди. Ўйига совчи юборишга розилик олди. Лекин ўйидагилар қуда бўлишга унамади. Арзимаган баҳоналарни рўкач қилишди. Аслида эса «тагли-тугли жой»ни қидиришаётган экан. Совчилар «йўқ» деган жавоб билан қайтгач, йигит қиздан сўради:

— Ўзингиз нима дейсиз?

— Ойимнинг гаплари мен учун қонун, улар нима деса — шу.

Бу қизнинг оиласида онасининг гапи устинроқ экан. Худди ўша пайтда магазинчи йигитдан ҳам совчи келаётган экан. Қуёвликка номзод иккала йигитни ҳам танимайдиган она сотувчи томонга майл билдирди. Чунки ўртада турган магазин мудири «ЗАГС»нинг шундай кўр-кўрона истакларига топшириб қўяётган юқоридаги каби қизлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, дунёда фарзанд учун ота-онадан азиз зот йўқ. Уларни ҳурмат-эъзоз қилиш ўғил-қиз учун муқаддас бурч. Лекин улар ҳам фаришта эмас, улар ҳам адашиши мумкин-ку! Ана шу адашган пайтда нега энди «ундоқ эмас, бундоқ бўлса қандай бўлар-ғора-тугунсиз олиб бориб, хонадонда тайёрланган ширин таомлардан еб-ичиб, ҳурсандчилик билан, латта-путтанинг ташвишисиз ўтказиб келса нима бўлади?

Бировнинг фарзанд кўрганига албатта ошнинг хомини қилиб бориш керакми? Шуни олиб бормасангиз-чи, ўшанинг ўрнига қўғирчоқми, кийимми совға қилиб борсангиз-чи?

— Ўзига минг сўм ҳаражат қиламиз!» дебди. Бу гапни эшитган, шундай «яхши жой» чиқишни кутиб юрган она қизини сотувчи қолиб, «қандайдир» ўқитувчига берсинми?

Анвар тенгини топиб уйланди. Қиз ҳам турмушга чиқди. «ЗАГСга 1000 сўм сарфлаган» бойвачча куёв тўйдан икки ой кейин спиртдан тайёрланган қўлбола ароқни магазинда сотаётганида қўлга тушиб, оиласи билан уч-тўрт йилга ҳайр-маъзур қилди...

Бу қизнинг фожиасига «тагли-тугли, яхши жой» ахтарган она сабабчи эмасми?...

Бундай ота-оналар «яхши жой» деганда, афсуски, фақат бадавлат оилани тушунишади. Ўша давлат ҳалол меҳнат эвазигами ё ўғирлик, қаллоблик ҳисобигами — буни ўйлашмайди... Ачинарли томони шундаки, ўз ҳаётларини ота-онакин?» деб ётиғича маслаҳатлашиш мумкин эмас.

...Тўққиз қаватли уйнинг йўлаги олдида қарнай-сурнай базми авжида. Ялтироқ кўйлаклар кийган саккиз хотин давра қурган, биттаси ғилдиракдай йўрғалаб, ўйинга тушяпти. Биттаси бешик, биттаси беланчак, яна бири велосипед кўтариб олган. Қоқ пешинда, офтоб. Ўтган-кетганлар уларга ғалати илжайиб қараб кўяди. Одамларнинг ғаши келаётгани шундоққина сезилиб турибди. Жуда бачкана. Тўйларда одамга завқ бағишлайдиган чирманда ва сурнайнинг товуши ҳам ҳозир негадир жуда совқ эшитиляпти... Бу маросим — бешик тўйи муҳташам кўп қаватли уйларга, умуман замонага ярашмай қолибди. Майли, чақалоққа бешик керак экан, беш-олтита қариндошлар билан уни қарнай-сурнайсиз, то-

— Бўлмайди-да, одат шунақа...

Бу гапни энди йигирма беш ёшларга кирган, бунинг устига олий маълумотли ёшгина келиндан эшитиш қизиқ. Агар унга эътироз билдирсангиз:

— Бир киши ҳечнима қилолмайди, — деган жавобни оласиз.

Демак ,одат экан деб, унинг яхши-ёмонини ажратмасдан ўзимиз билан олиб кетаверар эканмиз-да. Озиқ-овқат камчил бўлган, палов тансиқ бўлган бир пайтларда ошнинг хомини кўтариб бориш расм бўлгандир, балки. Ўша пайтда шу нарсага зарурат бўлган. Энди-чи? Сиз меҳмонга борадиган ҳар бир хонадоннинг қопларда гуручи, сабзи—пиёзи, бидонда ёғи бор. Сизнинг ярим шиша ёғ, бир кило пиёз ва ярим кило гўштингизга қараб ўтирибдими? Бунинг устига, худди шу нарсани эрта — индин у сизга қайтариши керак...

Тўғри, бир киши ҳечнима қилолмайди. Лекин кимдир, кимлардир бошлаши керак-да. Одатимиз шу экан, деб, ҳамма одатни ёшлар ҳам ўзи билан судраб юраверса, кераксиз, бачкана одатлар қачон ташланади?

Бу одатлар, таомилларга бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз одатланиб қолган экан. Бироқ ёшлар-чи? Оламшумул — тарихий муаммолар устида бош қотираётган, илм-фанда, техникада мураккаб масалаларни ҳал қилиб, улкан кашфиётлар очаётган, саноатда ва қишлоқ хўжалигида ижодий меҳнат қилиб коммунизмнинг моддий-техника базасини яратаётган илғор фикрли ёшлар наҳот турмушимиздаги мана шундай одатларнинг сарасини сарага, пучагини пучакка ажратиб ташлашга қодир бўлмасалар? Ҳамма гап шундаки, биз бундай одатларнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам биламиз, бироқ уларни негадир бажариш зарур бўлган қонун тариқасида тушунамиз. Йўқ, у қонун эмас. Уларни арралаш, рандалаш ва керагини олиб, чиқитини ташлаб юбориш зарур.

Буларни кимлардир бошлаши, кимлардир қўллаб-қувватлаши керак. Ўша «кимлардир» сиз, биз, ўзимиз.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист.

1530 ТОННА САБЗАВОТ УЧУН

Бригадамиз сабзавоткорлари зардоб йилда ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бу йил 51 гектар ерга сабзавот, 7 гектар ерга картошка экканмиз. Мақсадимиз сабзавот ҳосилдорлигини гектар бошига камида 300 центнерга, картошка ҳосилдорлигини 150 центнерга етказишдир. Биз агар ана шу маррани забт этсак, элюрт хирмонига 1275 тонна сабзавот, 105 тонна картошка топширган бўламиз.

Бундай юксак маррани эгаллаш учун энг аввало гектарларда кўчатларнинг тўлиқ бўлишини таъминлашимиз, экинлар парваришида муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишимиз зарурдир. Ана шу мақсад йўлида эртаги сабзавот экинлари қулай муддатларда экилди. Шунинг учун ҳам 7 гектар ердаги карам дан мўл ҳосил олинди. 8 гектар майдондаги помидор ҳам баравж ривожланмоқда. 9 гектар ердаги пиёз, сабзи, бодринг экинларининг ривожи ҳам кишини қувонтиради.

7 гектар ердаги ҳар хил сабзавотлар меъёрига етказиб. парвариш қилинаётганлиги туфайли яхши ўсмоқда. Биз 4 гектар ердаги редискадан 120 тоннага яқин ҳосил топширдик. 4 гектар ерга силос учун маккажўхори ҳам экиб қўйганмиз. Биз ана шу майдондан камида 240 тонна силот бостириш ниятидамиз.

Айни кунларда биз помидорга ишлов беришни жадал давом эттираётирмиз. Бу ишларни бажаришда механизаторлардан Раҳим Эргашев, Абдусаттор Абдукаримов, Отақўзи Йўлдошевлар алоҳида жонбозлик кўрсатаётирлар.

Экинларни сифатли чопиқдан чиқаришда. етилган ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб, қабул пунктларига жўнатишда бригадамизнинг Қорасоч Қурбонова, Зайнаб Ирисметова, Қурбонбуви Аҳмедова, Марҳамат Шаринохунова сингари пешқадам аъзолари намуна бўлмоқдалар.

Сабзавотчиликда ҳам пахтачиликдаги сингари сувчининг роли беқиёсдир. Эргаш Абдурасулов билан Исмоил Тошпўлатовлар бригадамизнинг тажрибали сувчилари. Уларнинг ишбилармонликлари туфайли экинлар қониб сув ичмоқда. Мўл ҳосил тўпламоқда.

Социалистик мусобақа барча ютуқларимизнинг гаровидир. Биз бу йил қўшни Ҳамидулла Муллабоев бошчилик қилаётган бригада аъзолари билан мусобақалашяпмиз. Мусобақада голиб келиш, гектар бошига ҳосилдорликни ошириш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз. Шаҳар аҳолисига кўплаб сабзавот ҳосили етказиб берамиз.

Тоир ЭШОНҚУЛОВ,
Орджоникидзе номли совхоз бригада бошлиғи.
Орджоникидзе райони.

Лекция таъсирчанлиги учун

«БИЛИМ» жамияти Ғалаба район ташкилотининг бўлиб ўтган пленумида «КПСС Марказий Комитетининг лекция пропагандасининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида лекция пропагандасининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўллари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

«Билим» жамияти район ташкилоти правленнесининг раиси К. Ягафаров шу масала юзасидан доклад қилди.

«Огонёк» совхоз-заводи «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг раиси В. Пелих, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг раиси К. Аюпов, «Заря коммунизма» колхози лектори С. Мун ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, лекциянинг таъсирчанлигини, уннинг жанговар кучини янада ошириш ва қизиқарли ўтказишда тажрибаларини ўртоқлашдилар, қимматли фикрларни ўртага ташладилар.

ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасини ишчи-хизматчиларининг меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит йилдан-йил яхшиланмоқда. Бирлашма томонидан трикотажчиларнинг фарзандлари учун қуриб берилган болалар боғчаси ҳам ана шу ғамхўрликнинг нишонасидир. Суратда: боғча болалари дам олиш пайтида.

А. Авазов, Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ДИЛЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

Алихўжа ака ҳар кунги одати бўйича саҳарда уйғонди. У ҳовлига чиққанда кун энди ёриша бошлаган эди. Ҳаво салқин ва мусаффо. Алихўжа ака қўлига гулқайчини олди-да, қатор, батартиб экилган ранго-ранг гулларни бачки ва қуриб қолган новдаларини кеса бошлади.

Боғнинг чеккасида майна сайради, қўшни ҳовлидан аллақандай қуш унга жўр бўлди. Алихўжа ака беғубор тонг ҳавосидан, қушлар навосидан завқланиб, бир лаҳза ишни тўхтатди, сўнгра дутор, танбур, най, рубоб ва турли катта кичиклиқдаги гармонлар осиғлиқ турган хонага кирди-да, танбурни созлай бошлади. Бироқ танбур созланмади. Уни қўйиб хилма-хил садафлардан безатилган дуторини олди. Уни аста черта бошлади.

Хонани майин ва ёқимли куй эгаллади. Унинг мафтункор, дилрабо саси гўё борлиқни аллалаётгандек, ўша маст бўлиб сайраётган қушларни ҳам, шабнам дудоғига ҳол ташлаган нафис, анғойи гулларни ҳам ўз оғушига олган. Улар ҳам созанда Алихўжа ака Хўжаев ижро этаётган куйга маҳлиё бўлиб қолишган.

Дарҳақиқат, Алихўжа ака дуторда чалган «Фарғона тановари», «Қамчинбеги» «Қўрғин келур», «Қайтарма», «Мунажжат» сингари куйларни тинглаб, ким ҳузур қилмаган, дейсиз. Чалишда ҳам чалиш борда. Сознинг тилини билиш керак. Алихўжа ака соз билан тиллашадиган, диллашадиган созанда.

— Турмуш ҳам бир жанг майдонига ўхшаркан, — дейди Алихўжа ака ортда қолган ҳаёт сўқмоқларига назар ташлар экан, — одамзод насли туғилгандан бошлаб умрининг охиригача ана шу майдонда ҳаёт, иститқбол, эзгулик учун курашаркан. Аммо ким ғолиб, ким мағлуб, бу ҳар бир кишининг ўзига ақл-заковатига, ғайрат шижоатига боғлиқ. Эсимда, 1914—1915 йилларда ҳозирги пионерлар саройи илгари князликка қарашли боғ эди. Бу ерда катта-катта сайллар бўлиб турарди. Сайлларга ҳар ёқдан созандалар келиб, ёқимли куйлар чалишарди. Кунларнинг бирида ана шундай сайлларда бўлишга тўғри келди. Шушу бўлди-ю, дуторга ишқим тушиб, қўшнимизнинг дуторини сўраб олиб, ўзимча машқ қила бошладим...

КЕКСА САНЪАТ УСТАЛАРИ

Йиллар бир-бирини қувиб ўта бошлади. Алихўжа пойтахтимиздаги пахта заводида ишлаб юрган кунларида ҳам санъатни қўймади, дутор, рубоб, танбур каби чолғу асбобларида ўз ижодига сайқал берди. Янги-янги куйлар бастали. Гармон чалишни ҳам пухта ўрганиб олган Алихўжа 1929 йилда Ҳамза театри биносида ишчи ва хизматчиларнинг слётида иштирок этди. Слёт тугагандан кейин санъаткорлар катта концерт беришди. Концертда хонанда ва бастакор Юнус Ражабий Турсунойга бағишланган марсияни «Узганча» куйига солиб ашула қилиб айтди. Алихўжа Юнус Ражабий билан шунда танишади.

Гармони билан ҳар хил куйлар ижро этиб, слёт қатнашчиларинни олқишига сазовор бўлади.

Бундан аввал, яъни 1927 йили Тошкентда Ўзбекистон радиоси қошида созандалар ансамбли ташкил этилган бир пайтда Алихўжа заводда ишлаб юриши билан бирга радиога келиб, кўпгина созанда ва хонандалар билан танишади. Кўп ўтмай у созандалар ансамблига гармончи бўлиб ишга киради. Қачонки Москвада 8 ойлик радио редакторлик курси ташкил этилган бир пайтда Алихўжа ўзбеклар орасида биринчи бўлиб шу курсда ўқиш учун рухсат олади. Курсни муваффақиятли тугатгач, Москва Давлат консерваторияси қошидаги музика билим юртига ўқишга киради. Музика билим юртини тугатгач, Тошкентга қайтиб Ўзбекистон радиосининг музика бўлимига редакторлик қилади. Ана шу даврдан оошлаб Алихўжа аканинг ижоди қайнаганда қайнади. Унинг гармонда ижро этган ўнлаб ўзбек, рус, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, арман куйлари халқ ҳам мусиқа шайдоларини мафтун этиб келмоқда.

Ҳукуматимиз Али Хўжаевнинг ўзбек совет музикасини ривожлантиришдаги хизматларини муносиб тақдирлади. Қатор фахрий ёрлиқлар билан бир қаторда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди.

Ҳозирги кунда кексалик ғаштини сураётган Али Хўжаев қўлида сози билан давру-давронимизни мадҳ этмоқда, янги-янги дилрабо куйлари билан эл-юрт олқишига сазовор бўлмоқда.

Кекса санъаткор Али Хўжаевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Т. ИСМОИЛОВА.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

Вазият кескин бўлиб қолди

БАЙРУТ, 12 июнь. (ТАСС мухбири). Ливандаги аҳвол мураккаб ва кескин бўлиб қолмоқда. Мамлакатнинг шимолий районларида ва Байрутнинг шарқий қисмида ўтган кечаси ўнг «Катаиб» ва «Ал-Аҳрор» партияларининг жанговар отрядлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлди. Садд ал-Бушрия, Ждейда районларида пулемёт, автомат ва гранатомётлар ишга солинган ҳолда ўхтин-ўхтин отишмалар бўлиб турди.

Консерватив партиялар ва ташкилотларнинг ҳарбийлаштирилган отрядлари Ливан маъмурлари билан Ливанда тинчликни сақлаш араб давлатлараро кучлар қўмондонлигининг огоҳлантиришларига қарамай, бемалол қурол кўтариб кўчаларда пайдо бўлмоқдалар, автомашиналар ва йўловчиларни тўхтатиб, уларни тинтув қилмоқдалар. Байрутнинг шарқий районида, Жуния. Библос, Батрун шаҳарларида ва тоғли Ливанда кўпчилик магазинлар, мактаблар ёпиб қўйилди, корхоналар ишламаяпти. Ливан маъмурлари аҳволни барқарорлаштиришга уринаётган овора бўляпти. Ливаннинг жанубидаги ўнг христиан кучлар у ерда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиш учун Исроил жанубий Ливан районларини оккупация қилиб туришини давом эттираётганлигидан фойдаланиб қолмоқчи. Байрутда чиқадиган газеталарнинг хабар беришича, кейинги кунларда мамлакатнинг жанубида Исроилдан қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни келтириш кучайган. Ўнг кучлар Исроилнинг 50 га яқин танк ва бронетранспортёрларини, кўпдан-кўп тўплари ва ўқ-дориларини олган. Исроил Маржаюн, Блат, Ибл-Ассаки, Диббин аҳоли пунктлари районларидаги ўз позицияларини «Жанубий Ливан Армияси» деб аталмиш армия назоратига топширган. Ҳозир бу ерда консерватив кучлар танк ва артиллерия турган ўрнини қулайлаштирмоқда.

А. БОРИСОВ.

„СОВУҚ УРУШ" ЖАРЧИСИ

СТАМБУЛ, 12 июнь. (ТАСС). Туркиянинг «Дунё» газетаси хабар беради: Туркия социалистик ишчи партиясининг бош секретари Ялчин Юсуф ўғли Хитой ташқи ишлар министри Хуан Хуанинг Анқарага қиладиган ҳозирги визити Туркияга ҳеч қандай фойда келтирмайди, деган фикрни билдирди. Бу визитдан мақсад — шу районда халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини ўтказишни қийинлаштиришдан иборат.

Империализм ва реакция кучлари, деб уқтириб ўтди Я. Юсуф ўғли, кейинги вақтларда «совуқ уруш» вазиятини тиклашга уринмоқдалар. Хитой раҳбарлари эса кескинликни юмшатиш сиёсатига қарши чиқиб, амалда шу кучларга ёрдам бермоқдалар.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 12 июнь. (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси бевосита совет ваколотхонаси рўпарасида игвогарлик мақсадида намойишлар давом этаётганлиги муносабати билан АҚШнинг БМТ ҳузуридаги миссиясига қатъий норозилик билдирди. Норозилик мактубида игвогарлик мақсадида уюштирилган бундай йиғинлар Совет ваколатхонасининг нормал ишлашига халақит беради, шунингдек, «ажнабий мансабдор шахсларни ва АҚШнинг расмий меҳмонларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги федерал қонунни қўпол равишда бузишдан иборат эканлиги уқтириб ўтилади.

Мактубда яна бундай дейилади: 1978 йил 6 июнь куни СССР ваколатхонаси биносига кираверишда бир группа безори унсурлар томонидан Америка маъмурларининг очиқдан-очиқ йўл қўйиб берганлиги туфайли, игвогарлик-пропаганда мақсадида навбатдаги ярамас ҳаракат уюштирилди. Бунда гап АҚШ аҳолиси ўртасида Совет Иттифоқига нисбатан душманчилик кайфиятларини кучайтириш мақсадидаги кампания тўғрисида бормоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонасига мазкур игвогарлик ҳаракатини АҚШнинг муайян доиралари уюштираётган ёки далда бераётган антисовет тадбирлар занжиридаги бир бўғин, деб таъриф лаш имкониятини беради.

СССР ваколатхонасига кириш йўлини тўсишга, шу бинода истиқомат қилувчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ташвишга солишга, БМТ ҳузуридаги Совет ваколатхонасининг нормал иш кўришига ҳалақит беришга йўл қўйган полиция маъмурларининг ҳаттиҳаракатлари диққатни ўзига жалб этади. Улар АҚШнинг ажнабий дипломатия ваколатхоналарига яқин жойларда пикет қўйиш ёки бошқа намойишлар ўтказишни тақиқловчи федерал қонунини буздилар.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонаси, бунга қарши қатъий норозилик билдиради ва бундай игвогарлик ҳаракатларининг такрорланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришни қаттиқ талаб қилади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

УЛАН-БАТОР. Монголияда маҳаллий ҳокимият органларига— аймоқ, шаҳар, район ва сомон хуралларига сайлов ўтказилди. Ишчилар синфи, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ва меҳнаткаш зиёлиларнинг энг яхши намояндаларидан 15 мингдан кўпроқ киши депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Монголия меҳнаткашлари сайловни хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Чунончи, саноатда дастлабки беш ойнинг план топшириқлари 3.2 процент ошириб бажарилди. Уч ойдан кўпроқ вақт этган сайловолди кампанияси монгол халқи ўзининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди бўлган Монголия халқ революцион партияси теварагига маҳкам жипслашганлигини, Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва бирликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга интилаётганлигини намойиш қилди.

БАЙРУТ. Исроил маъмурлари босиб олинган араб территорияларида манзилгоҳлар қуриш программасини тез суръатлар билан амалга оширишни давом эттирмоқдалар. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Наблус районида бундай ишлар айниқса жадал олиб борилмоқда. Бу ерда мавжуд манзилгоҳларни кенгайтириб, шаҳарга айлантириш мўлжалланмоқда. Илгари бу жойда арабларнинг бир неча қишлоғи жойлашган эди. Сўнгра исроилликлар бу қишлоқларни вайрон қилиб ташладилар, ерларни эса маъмурлар мусодара қилдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Мадҳья-Прадеш штатидаги Бастар ва Сургужа округларида янги боксит конлари топилди. Бу конларда 60 миллион тонна боксит запаси бор, деб тахмин қилинмоқда. Бу ердаги руда таркибида кўп миқдорда гилмой бор. Гилмой эса алюминий ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланади.

(ТАСС).

ЖАЗИРАМА ИССИҚ

ТЕҲРОН. Эроннинг кўпгина районларида жазирама иссиқ бўлмоқда. Форс қўлтиғи соҳилида ҳавонинг ҳарорати соғда Цельсий ҳисоби билан 51 даражага чиқди. Ободон портида офтоб уриши натижасида 8 киши ҳалок бўлди.

Эрон матбуотининг ёзишича, мамлакатда 20 йилдан бери бунчалик жазирама иссиқ бўлмаган.

(ТАСС).

Венгрияда уй-жой қурилиши тез суръатлар билан давом этяпти. Ҳозир мамлакатда бир неча уйсозлик комбинатлари ишлаб турибди. Шу йилнинг ўзида 10 мингдан оила янги уйларга кўчиб ўтди. Суратда: Капошвар шаҳрининг янги турар жой районн.

МТИ — ТАСС фотоси.

Реклама ва эълонлар

МАКТАБЛАР ВА ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

5—10-синф ўқувчилари учун

қуйидаги бўлимлар бўйича

ТЕМАТИК ЭКСКУРСИЯЛАР УЮШТИРАДИ

Урта Осиё халқ ўймакорлик ва амалий санъати. Ўзбекистон тасвирий санъати.

XV—XX аср рус санъати

XIV—XIX аср Ғарбий Европа санъати.

ШАРҚ (Ҳиндистон, Хитой, Япония) чет эл мамлакатлари санъати.

Музейнинг лекциялар залида олдиндан бериб қўйилган заявкаларга кўра тасвирий санъат бўйича лекциялар ўқилади, рассомлар билан учрашувлар ўтказилади, санъат ва адабиёт мавзуларидаги фильмлар намойиш этилади.

Экскурсиялар, лекция ва рассомлар билан учрашувларга заявкалар музейнинг илмий-оқартув бўлимида қабул қилинади.

Справкалар учун телефон: 32-73-45.

Музей ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача ишлайди. Душанба куни соат 15.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — сешанба.

Музей адреси: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Пролетар кўчаси, 16-уй.

ГОСКОМТРУД УзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, силлиқловчилар, йўнувчилар, штамповкачилар, контролёрлар, кранчилар, созловчилар, йиғувчи-слесарлар, ремонтчилар, термистлар, тракторчилар, электромонтёрлар, юкчилар, станокчи шогирдлар.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОКХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ҚУЙБИШЕВ РАЙОН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИГА

инженер-электриклар, биологлар, тоғ геологлари, маркшейдерлар, химиклар, механиклар, конструкторлар, экономистлар, АСУ бўйича стандартлаш лабораторияларида ишлаш учун: корректорлар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувақчилар, ойна солувчилар, облицовкачилар, юкчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

лойиҳа-смета группасига, ишлаб чиқариш техника бўлимига, лойиҳалаш группасига, қурилиш лабораториясига: инженерлар, пўлат ва темир-бетон конструкцияларининг монтажи бўйича монтажчилар, электр пайвандчилар, сувақчи-бўёқчилар, оғир кран ва автокранларнинг машинистлари.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОНИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Шота Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОНИ — Карл Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОНИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ — 27-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОНИ — райисполком, Совет Армияси майдони.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Концерт. 10.40 — «Она» (бадиий фильм). 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Рус тили. 17.00 — Қиличбозлик бўйича СССР чемпионати. 17.30 — Сиз яратган боғ. 18.00 — Горнчилар қаердасиз? 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — Фан оламида. 19.25 — Қалбга яқин қўшиқлар. 20.10 — Спортлото. 20.20 — Телевизион бадиий фильм (2-серия). 21.30 — Вақт. 22.00 — П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. 1-тур. 22.45 — Футбол: иккинчи финал давраси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Фильм концерт. 11.20 — Менинг авлодим. Телеспектакль. 1-қисм. 12.40 — Иншони қандай ёзиш керак? 17.45 — «Ёш куч». 18.15 — Ўзбек шоирларининг янги таржима қилинган асарлари. Р. Бобожон. 18.45 — Зангори экран почтаси. 19.15 — Ахборот. 19.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 — Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 — Вақт. 22.00 — Қалб кечирмайди (бадиий фильм). 23.15 — Самбо кураши бўйича СССР шахсий чемпионати.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Матвей Кожемякин ҳаёти (бадиий фильм, 3-серия). 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Геология. 21.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.10 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.40 — Биология.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/VI да **Флория Тоска**, 15/VI да **Оламнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/VI да **Оқшомдан тушгача**, 15/VI да **Келинлар кўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/VI да **Шаҳзода ва етим қиз**, 15/VI да **Олифта.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 16/VI да **Лилипутлар ревюсининг гастроллари** (19:30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).

Мўйловли энага — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Дарвиш Парижни портлатади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Гайдуклар шарафи — «КУЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

Транссибирь экспресси — «ХИВА» (20.45, 22.20).

Спорт

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» футболчилари навбатдаги учрашувни пойтахт динамочилари билан ўтказишиб, 0:1 ҳисобида енгилишди. Ягона тўпни учрашувнинг иккинчи минутида Колесов киритди. Тошкентликлар сафида Владимир Федоров, Константин Бакановлар ўйнашмади. Шундай бўлса ҳам пахтакорчилар бир неча марта мезбонлар дарвозаси олдида ҳавфли вазият яратдилар. Лекин ҳал қилувчи дақиқаларда тўпни аниқ дарвозага йўналтира олмадилар.

Тошкентлик футболчилар навбатдаги ўйинни ҳам Москвада «Торпедо» командаси билан ўтказадилар.

ОЛТИН ВА КУМУШ

Запорожье шаҳрида классик кураш бўйича мамлакат шахсий чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Бу йилги биринчиликда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 250 га яқин полвон ғиламга чиқди. Ана шулар орасида республикамизнинг вакиллари ҳам бор эди. Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларнинг совриндорлари Василий Аникин билан Комил Фаткулиллар ўз вазнларида олтин ва кумуш медалга сазовор бўлдилар. Василий Аникин биринчи ўринни олиб, СССР чемпиони бўлди. Комил Фаткулин эса кумуш медални қўлга киритди. А. Баранов, В. Тепляков, Р. Иброҳимов ҳамда А. Гришколар ҳам кучлилар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлдилар.

МУҲАММАД АЛИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳоннинг собиқ чемпиони, Америка спортининг афсонавий қаҳрамонларидан бири машҳур Муҳаммад Али (Кассиус Клей) СССР спорт комитети таклифига биноан мамлакатимизга меҳмон бўлиб келди. Машҳур боксчи Иттифоқимизда бир неча учрашувлар ўтказади.

Жаҳон тарихида учинчи марта чемпионлик тожини қўлга киритишга даъвогар бўлган (маълумки, ҳозирда профессионал оғир вазнлилар ўртасида Леон Спинкс жаҳон чемпиони ҳисобланади) Муҳаммад Али Тошкент ва Самарқандда ҳам бўлади.

САМБОЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Кеча пойтахтимиздаги «Юбилей» спорт залида самбо бўйича СССР чемпионати мусобақаларига старт берилди. Жаҳон, Европа ва Совет Иттифоқининг энг кучли самбочилари иштирок этаётган бу биринчиликда Ўзбекистон спорт шарафини В. Сободирев, С. Гранадзе, Т. Бадалов, В. Долженко ва бошқалар ҳимоя қилишмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325790. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02507. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2426.